



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 25 декабр, шанба № 183 (830)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жаноби олийларига Бисмиллохир раҳмонир раҳийм

Мухтарам Президентимиз!

Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамасининг «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорининг Муборак Рамазони шариф арафасида эълон қилиниши диёримиз мўмин-мусулмонларини гоёта мамнун этди. Айниқса, мазкур қарорда зикр этилган энгиллик ва имтиёзлар эл кўнглидаги айна мудоа бўлди.

Қарордан илҳомланиб, мамлакатимизни тараққиёт ва озоқлик йўлидан бошлаб бораётган, диёримизнинг барча фуқаролари учун тенг шароит ва имкониятлар яратиб бераётган, муқаддас динимиз ва қадриятларимизни тиклаётган Сиз муҳтарам инсонга барча мусулмонлар номидан миннатдорлик изҳор қиламиз.

Ўртимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон ҳаётини ҳамжамиятда муносиб ва ўзига ҳос ўринга эга бўлди.

1600 дан зиёд мажидимизда мусулмонлар эмин-эркин ибодат қилмоқдалар. Мустақиллик йилларида 20 мингдан ортиқ юртдошимиз муборак Ҳаж зиёратини амалга оширишга муваффақ бўлди. Сизнинг ташаббусингиз ва бевосита иштирокингиз билан Имом ал-Бухорий ҳазратлари ва бошқа уламоларимизнинг шўхратини оламга янада кенгроқ таратаётган тадбирлар амалга оширилди. Юртимиз мусулмонлари ҳўфматимиз олиб бораётган изчил сиёсатни дилдан қўллаб-қувватлаб, эл-юрт равақи, халқимиз бахт-саодати, миллий йўналишдаги қадриятларимизни қайта тиклаш йўлида қилаётган барча хайрли ишингиздан бағоят мамнун бўлмоқда.

Ўзбекистондаги барча мусулмонлар 2000 йил 9 январ кунини Сиз, халқимизнинг осоишташ ва фаровон турмушини олий мақсад деб билган азиз Президентимиз учун овоз берадилар, деб ишонтираимиз.

Эзгу ишларингизда Аллоҳнинг ўзи Сизга мададкор бўлсин.

Самимий эҳтиром ила,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгаши

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Мустақил Ўзбекистоннинг энг янги тарихидаги муҳим сиёсий воқеа - 2000 йилнинг 9 январда бўлиб ўтадиган Президентлик сайловига икки ҳафтадан сал кўпроқ вақт қолди. Истиклол туфайли, ўз тақдирини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлган халқимиз бу тадбир билан иқтисодий ислохотлар ва демократик ўзгаришларнинг давом эттирилиши ҳамда чуқурлаштирилиши, ижтимоий барқарорлик ва фуқаролар ҳамжihatлигининг мустаҳкамланиши, фаровонликнинг ошиши ва ОНА ватанинг гуллаб-яшнаши борасидаги умидларини билдирмоқда.

Учрашуви Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Хоразм округ сайлов комиссиясининг раиси Ибодулла Бойжонов очди. Президентлик номзоднинг ишончли вакили, Богот тумани ҳокими Шакаржон Хўжаниёзова йирилганларни Ислам Каримовнинг таржиман хили ва сайловдаги дастури билан таништирди. У Ислам Каримовнинг ўзбек давлатчилиги ва халқимизнинг миллий ўзлигини англатиш йўлидаги хайрли ишларининг ташаббускори ва асосий ташкилотчиси эканлигини таъкидлади.

Учрашувида Ислам Каримов нутқ сўзлади. - Агар мендан ҳақиқий жасорат намунаси нима, деб сўрашганда, - деди Ислам Каримов, - хоразмлик оддий деҳқоннинг мураккаб иқлим шароитидаги ҳар кунлик меҳнати қаҳрамонлик, деб жавоб берган бўлар эдим. Муқаддас Хоразм заминидан бундан уч минг йил муқаддам миллий давлатчилик асослари яратилган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён, бу ерда кенг қўллаб-қувватлаш содир бўлди. Бундан икки йил муқаддам Хива шаҳрининг 2500 йиллиги халқро микёсда нишонланганлиги, орадан минг йил ўтиб, Хивада дунёдаги энг биринчи академия бўлган Маъмун академиясининг қайта ташкил этилганлиги бунинг яққол далилидир.

Яқинда вилоятда халқимизнинг миллий қаҳрамони Жалолдин Манғурбердиннинг 800 йиллиги ва ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаси Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг 190 йиллик тўйи нишонланди. Вилоят иқтисодиётида ҳам янгиликлар жараёнида давом этмоқда. Хоразмда мамлакат саноатининг янги соҳаларида етакчи деб ҳисобланганидан йирик корхоналар барпо этилди. 1200 та собиқ давлат корхоналарида мулкчилик шаклининг ўзгаришига ислохотлар тобора чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун йирик инвестициялар, хорижий сармоялар жалб этилмоқда.

Ислам Каримов қайд этганидек, ҳўкуматимизнинг шу йил май ойида қабул қилган қарорига кўра, вилоятда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришга доир дастур амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсадлардан бири - яқин уч йил ичинда 100 мингдан ортиқ янги иш ўринларини барпо этишидир.

Учрашувида сўзга чиққан Ал Хоразмий номидиги Урганч давлат университети-нинг талабаси Назокат Маткаримова, Хоразм Маъмун академиясининг раиси Азимбой Саъдуллаев, республика «Маънавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлими раҳбари Гавҳар Ибодуллаева, Хонка тумани Олажа кишлоғи фуқаролар йиғинининг раиси Шоҳназар Йўлдошев Ислам Каримовнинг вилоят аҳлининг кеҳис хўрмати ва ишончига сазовор бўлганлигини қайд этиб, уни мустақилликнинг мустаҳкамланиши ва Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашининг кафили эканлигини таъкидлашди.

Тимур ШАМАКОВ, Уза муҳбири.

Кейинги йилларда республикада галла мустақиллигига эришилганлиги туфайли, аҳоли эҳтиёжини асосан мамлакатимизда етиштирилган дон маҳсулотига ҳисобга таъминлаш имкониятига эга бўлди. Натигада тотли ва мазали бўрилдоқ нонларни ишлаб чиқарувчи корхоналар сони бир нечтага ортди.

Ана шундай эл дастурхонига нон ва нон маҳсулотларини етказиб бераётган корхоналардан бири «Маргилон» ҳиссадорлик жамиятидир. Бу ерда ўз ишининг чинакам усталари бўлган, фидокор новвойларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари барчага бирдек манзур бўлаётди.

Суратда: қандолатчи Дилафруз Аҳмедова.

Ш.ОЛИМОВ (Уза) олган сурат.



Ш.ОЛИМОВ (Уза) олган сурат.

«ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг пленуми бўлди. Уни Кенгаши раиси А.Абдуқаҳоров бошқарди. Пленумда Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2000 йил мамлакатимизда Соғлом авлод йили, деб эълон қилиниши муносабати билан Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотларида спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантириш дастури муҳокама этилди ва тасдиқланди.

2000 йил 9 январ - Ўзбекистон Республикаси ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни

Пленум қатнашчилари ташкилотнинг барча аъзоларини 2000 йил 9 январ кунини бўладагидан сайловда Ислам Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

ҒОЯНИ ПУЛГА ЧАҚҚАНДА

Республика «Бизнес-жамғарма»сининг Наманган вилояти бўлими томонидан уй бекаларига машур «Зингер» русумидаги тивув машиналари имтиёзли нархларда берилди. Аёллар машиналар ҳақини беш йил мобайнида тўлайди. Эндилкида «Зингер» тивув машиналари эгалари турли кийим-кечаклар тикиш, оила бюджетига ўз ҳиссасини қўшиш имконига эга бўлди.

ИЖОДКОРЛАР ДАЪВАТИ

Ўзбекистон Бадий академиясида мамлакат Президентлиги сайловида Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган учрашуви бўлиб ўтди. Бадий академия раиси Т.Қўзиёв учрашувини очар экан, давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, миллий ва умумбашарий қадриятларни қарор топтириш, маданият ва санъатни юксалтириш борасидаги барча ишлар Юртбошимиз номи билан бевоҳита боғлиқ эканлигини таъкидлади.

ЕВРО БИР ЁШДА

Бир неча кундан сўнг Европа Иттифоқининг (ЕИ) ягона пул бирлиги - евро дунё юзини қўрганга бир йил тўлади. У жорий йилнинг биринчи январиде Европа иқтисодиёти ва валюта иттифоқига аъзо бўлган ўн бир мамлакат - ГФР, Франция, Италия, Бельгия, Люксембург, Нидерландия, Австрия, Португалия, Испания, Ирландия ҳамда Финляндияда муомалага киритилган эди. Дастлаб европаликлар еврога эҳтиёткорона муносабатда бўлган бўлса, ҳозир ҳисоб-китобларини иложига боришга шў валюта билан амалга оширишга ҳаракат қилаётди.

Шарҳловчи минбари

Магани учун иттифоққа қабул қилинмади. Буюк Британия, Дания, Швеция эса иттифоққа қўшилишни истамасди ва бу масалани кейинроқ ҳал қилишни лозим топди. Ниҳоят 1998 йилда Брюсселда ўтган саммитда евро ни келаси йилнинг биринчи январиде муомалага киритишга қарор қилинди. Жорий йилнинг декабрида Европалар иттифоқига қабул қилинмади. Буюк Британия, Дания, Швеция эса иттифоққа қўшилишни истамасди ва бу масалани кейинроқ ҳал қилишни лозим топди. Ниҳоят 1998 йилда Брюсселда ўтган саммитда евро ни келаси йилнинг биринчи январиде муомалага киритишга қарор қилинди. Жорий йилнинг декабрида Европалар иттифоқига қабул қилинмади. Буюк Британия, Дания, Швеция эса иттифоққа қўшилишни истамасди ва бу масалани кейинроқ ҳал қилишни лозим топди.

Қаердаки раҳбар тўғри сўз, ҳалол, дили пок бўлиб қонун асосида иш қўрмас экан, ўша жойида албатта низо, шикоятбозлик авж олаверади.

Қуйидаги воқеа бунга мисол. Қувасой шаҳридаги 14-саноат касб-хўнар коллежи ҳодимлари Салима Акбарова ва Омина Мадмусаеваларнинг касба уюшмалари Фарғона вилоят кенгаши раиси номига ёзган шикоятларида жумладан шундай дейилади: «Бизлар — С.Акбарова (ўкув ишлаб чиқариш бўйича), О.Мадмусаева (ўкув ишлари бўйича) директор ўринбосарлари вазирасида ишлар эдик. Шў ўкув йилининг сентябр ойида Олий ва ўрта махсус таълим вазирига, ўрта махсус касб-хўнар таълими Маркази томонидан тузилган комиссия коллеж фаолияти билан танишиш чоғида ўкув хоналарининг бирида икки-уч гурўх қўшиб ўқитиляётганига дуч келди. Ана шў сабаб комиссия раҳбари биз иккимизни қақртириб ўқитувчилар олдиде директор Ж.Урмоновга «бу ўринбосарларнингизни бўшатинг» деб буйруқ қилди. Шў баҳона директор касб-хўнар таълими вилояти худудий бошқармаси бошлиғи О.Эшонкулов билан маслаҳатлашди. Бизни вазирамиздан олиш ҳақида дастлаб бошқарманинг, сўнгра коллеж директорининг буйруғи чиқди. Бу буйруқларда биз вазирамиздан четлатилганмиз, лекин ишдан бутунлай озоқ қилинган каби бизга ўз соҳамиз бўйича дарс соатлари билан таъхирот билан масаласи очик қолган эди. Шў сабабли ишларни ҳам, ишламасликни ҳам билмай ҳайронмиз. Аслида юқоридеги ҳолатни содир бўлишида бизнинг айбимиз йўқ. Бунга директорнинг ўзи сабабчи... Сиздан ушбу масалани чуқур ўрганиб, ҳолис таҳлил қилиб имкон бўлса вазирамизга қайта тикланишимизга ёрдам беришингизни сўраймиз».

Раҳбарнинг маънавий қиёфаси

Мазкур шикоят КУВК меҳнат-хўққ инспекцияси бўлим бошлиғи Т.Мирраҳимов томонидан ўрганиб чиқилганда, худудий бошқарма ва коллеж директорининг С.Акбарова, О.Мадмусаевага қўлган чоралари Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 67, 89, 92, 102, 107, 181 ва 182-моддаларига зид эканлиги аниқланди. Хусусан, худудий бошқарма буйруғига асос бўлган чоралари вазирик комиссиянинг ёзма асосий тўлиқ ҳулосаси йўқ. Айбдорлардан тушунтириш хатлари олинмаган. Буйруқда кўрсатилган важдар бу ҳодимларни вазирасидан четлатиш учун тўлақонли асос бўлолмади.

АДОЛАТСИЗЛИККА СУД НУҚТА ҚҲЙДИ

Кези келганда айтиш керакки, юқоридеги комиссия раисининг кўрсатмаси худди осмондан бехос тушган яшини эслатади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳар бир масала аввало ўрганилиб чиқилиши, сўнгра тегишли ҳулоса чиқарилиши шарт эмасми?

АДОЛАТСИЗЛИККА СУД НУҚТА ҚҲЙДИ

Икита гуруҳни бирлаштириб машғулот ўтган К.Тешабоева шундай тушунтириш беради:

Наврўзга тайёргарлик бошланди

Вазирлар Маҳкамасида келгуси Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилий кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий кўмита раиси Х.Каримов бошқарди. Мажлисида пойтахтда ўтадиган асосий байрам томошасининг сценарийи ва асосий сахнасини тайёрлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Бу борада Ўзбекистон ёзувчилар уюмаси раиси А.Орипов, режиссёр Р.Ҳамидов, «Тошкентга» инвесткорчилиги корпорацияси раиси Т.Зокоровнинг ахборотлари тингланди.

Байрамни ҳар қачонгидан ҳам жозибалироқ ўтказиш учун сценарийни замон талабидан келиб чиқадиган янгиликлар ҳамда қадимий ўрф-одатларимизга ҳос аъаналар билан тақомиллаштириш кераклигига эътибор қаратилди. Тантаналарда ҳақиқий Наврўз руҳи акс этиб туриши учун байрам дастурини янги қўшиқ ва янги овозлар билан бойитиш, миллий йўналишдаги эстрада қўшиқлари, фольклор-этнографик асарларга эътиборни қувватлироқ зарурлиғи қайд этилди. Келаси йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши муносабати билан байрам томошаларига кўпроқ ана шў руҳни сингдириш лозимлиғи таъкидланди.

Бўлажак байрамни уюшқоқлик ва мазмуни ўтказиш учун халқ оғзаки ижоди, миллий ўрф-одатлар, қадриятларни тарангум этуви, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган юксак бадий дастурлар яратиш бўйича танловлар эълон қилиш ҳамда Маданият ишлари вазирига билан биргаликда пойтахтдаги асосий тадбирларда иштирок этидиган бадий жамоалар дастурларини саралашни қисқа муддатда ҳал этиш лозим, деб топилди.

Шунингдек, мажлисида аънавий халқ хўнармандлари ва амалий санъати маҳсулотлари савдо-кўрғазмасини юқори савияда уюштириш учун хўнарманд усталар танловини ўтказиш ўғрисида келишиб олинди.

Раҳшон МАХМУДОВ, Уза шарҳловчиси.

Турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидай аҳил, иноқ бўлиб яшаётган Олмалик шаҳри аҳолисининг асосий қисми ишчилардан иборат. Тоғ-металлургия комбинатининг конлари, заводларида меҳнат қилаётган ишловчиларнинг, умуман шаҳар аҳолисининг аҳиллиги, уюшқонлиги яқинда бўлиб ўтган сайловларда ёрқин намён бўлди. Сайлов ёшида бўлган аҳолининг 93 фоизи ўзлари танлаган муносиб номзодлар учун овоз бердилар.

Ўтган сайловларда биринчи марта овоз бериши керак бўлган ёш сайловчилар, пенсионерлар, ишчилар бу йилги сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари, овоз бериш тартиблари ҳақида кўплаб саволлар билан мурожаат этишиб, қонқарли жавоблар олганлиги сайлов участкаларида қайд қилинган эди. Олдинда яна бир масъулиятли тadbир — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови туриди. Хўш, бўлажак сайловга тай-

ёргарлик ишлари қандай олиб борилмоқда? Шаҳардаги 88-сайлов участкаси 16-мактаб-гимназия биносида жойлашган. Биз бу ерга келганимизда участка сайлов комиссиясининг раиси Одил Ёқубов, раис ўринбосари Валентина Сперанская, мактаб-лицей директори И.Пак сайловчилар билан ўзаро суҳбат қилишадиган экан.

— Президентликка



2000 йил 9 январь -
Ўзбекистон Республикаси
ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни

ИШЧИЛАР ХОҲИШ-ИРОДАСИ

(репортаж)

номзод Исломо Каримовнинг дастурида — «Иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баробар ошириш, шу билан бирга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8-2,0 баробар кўпайтириш» тўғрисида гап боради. Айрим одамларда бундай тadbир 2000 йил 1 январдан кучга киради, деган ташуна бор. Шу масалани ойдинлаштириб берсаларингиз.

— Тўғри, — деди участка сайлов комиссиясининг раиси, — дастурда бу биринчи вазифа қилиб белгиланган. Албатта, Президентимиз, ҳукуватимиз халқ фаровонлиги даражасини муттасил ошириб боришни ўзининг биринчи навбатдаги вазифаларидан, деб билади. Халқ турмуши даражасини, маошларни, пенсияларни, нафақаларни ошириш, ишлаб чиқаришни равақ топтириш, кўплаб рақо-

батбардош маҳсулотларни четга сотиш натижасида давлат хазинасига тушадиган маблағларга, шунингдек корхоналар, фирмалар, ҳар биримиздан олинган солиқларга ҳам бевосита боғлиқ. Дастурда кўрсатилган рақамлар келгуси беш йилда амалга оширилиши кўзда тутилган. Шунингдек, бу давр ичида кам даромадли, ёрдамга муҳтож, ногирон ва бошқа кишиларга алоҳида меҳрибон-

лик кўрсатиб борилмаверади. Саволлар берган ишчи Абдулла Бекжўраев, пенсионерлар Долина Югай, Евгения Абатурова ва бошқалар жавоблардан қониқиб ҳосил қилдилар.

— Участкамизда 848 сайловчи рўйхатга олинди, — деди В.Сперанская. — Ўтган сайловдан кейин бу сағра яна 25 нафар ёш қўшилди. Булар 9 январгача 18

рорининг ёрдамчиси Валентина Пак иштирокида ҳуқуқий масалалага оид суҳбат ўтказилди. Кўплаб саволларга ҳуқуқшунос билан биргаликда мактаб-лицей директори ҳам тегишли жавобларни берди.

— Шаҳримиз аҳолисининг кўп қисми турли миллат вакиллари, — деди 75 ёшли пенсионер Евгения Абатурова. — Лекин ҳамжихатлик, аҳиллик барчамизнинг ширимизга айланган. Ўтган сайловларда ҳам ана шу муҳит бу муҳим тadbирнинг аъло даражада ўтишини таъминлади. Эндиги сайловда юртимизнинг гуллаб яшнаши, халқимизнинг фаровон турмуши учун улуг ишларни амалга ошираётган Исломо Каримов номзоди учун овоз бераман.

Шаҳар кўчаларида, аҳоли гавжум жойларда, бекатларда кўринарли жойларга илинган ширлар, плакатлар ана шу давватга ҳамоҳанг бўлиб турибди.

Темур ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАХАТХОНА

Саволларингизга ҳуқуқшунос
Насиба ТИЛЛАХУЖАЕВА
жавоб беради.

Савол: Хомилдор аёлларни энгилроқ ишга ўтказиш қандай амалга оширилади?

Н.МУТАЛОВА, Оққўрғон тумани.
Жавоб: Иш берувчининг хомилдор аёлни энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилган Ҳомилдор Республикаси Меҳнат Кодекси 226-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган. Бундай мажбурият тегишли тиббий хулоса асосида юзага келади. Аёлларга энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш бериш ва буни қанча муддатда амалга ошириш кераклиги тўғрисидаги масалалар ҳам тиббий хулоса асосида ҳал қилинади.

Вақтинча бошқа, энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, унинг шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи бошқа ишга ўтказиш муддати мобайнида сақланади. Меҳнат Кодексининг 226-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ хомилдор аёлларга энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши керак.

Амалиётда хомилдор аёл тиббий хулоса асосида энгилроқ ишга ўтказилиши керак, корхонада эса бундай иш йўқ бўлган ҳоллар учрайди. Бундай вазиятда аёлга илгариги ишини бажариши тўғри келмайдиган бутун давр мобайнида амалда ишламаган хомилдор аёлнинг олдинги ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Айни пайтда қайд этиш кераки, илгариги ишни бажариш тиббий хулосага кўра хомилдор аёлга тўғри келмайдиган, бироқ аёл асосий равишда бошқа, энгилроқ ёки ишлаб чиқаришнинг ноқулай омилларидан ҳоли бўлган ишга ўтишни рад этган ҳолларда иш берувчи ишловчининг ўртача ойлик иш ҳақини сақлаш тўғрисидаги талабини қаноатлантиришни рад этишга ҳақлидир.

Саволларингизга ҳуқуқшунос
Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ
жавоб беради.

Савол: Мен ўз вақтида маъмурият ташаббуси билан туман хотин-қизлар кўмитаси раислиги - хоким ўринбосари лавозимидан бўшатишга эдим. Тегишли суднинг ҳал қилув қарорига биноан мен ишдан бўшатишимга гапри қонуний деб топилиб, мен ўз ишимга тикландим ва шу қарорга биноан менга 200 минг сўм миқдорда маънавий зарар тўлашни кераклиги белгиланди. Мана шу тўловдан даромад солиғи ундирилдими ёки йўқми?

Р.УМАРОВА, Пахтачи тумани.

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1-январдан амалда жорий этилган Солиқ Кодексида солиқ тўловларига бир қанча имтиёзлар назарда тутилган, жумладан шу Кодекснинг 58-моддасининг сўнгги - бандида кўрсатилишича, қонунда белгиланган миқдорда тўланадиган тоvon пулларидан даромад солиғи ундирилмаслиги назарда тутилган. Тўғри, қонунчиликда маънавий зарарнинг аниқ миқдори белгиланган бўлса, ҳар бир ҳолатдан келиб чиқиб уни белгилаш ҳуқуқи судларнинг воқолатига қараб киради.

Энди суднинг ҳар қандай ҳукми ва ҳал қилув қарорлари Ўзбекистон Республикаси қонуни номида чиқарилаётгани назарда тутилган, маънавий зарар учун тўлашни керак бўлган маблағнинг миқдори қонун номида белгиланган деб эътироф этилади. Демак қонун номи билан белгиланган бўлса, у юқорида қайд этилган Кодексга биноан даромад солиғига тортилиши керак эмас.

МОСКВАДА ЎЗБЕК ФИЛЬМАРИ ҲАФТАЛИГИ

Москвадаги «Илюзион» кинотеатрида ўзбек фильмлари ҳафталиги бошланди. Тadbирни Россия Федерацияси «Госфильмофонд»и Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этди. Ҳафталик режиссёр Зулфқор Мусоқовнинг «Бомба» кинокомедияси билан очилди. Кинохафалик дастуридан ўзбекистонлик киночиларнинг турли йилларда яратилган ҳамда танқидчилар ва кенг омма эътирофига сазовор бўлган фильмлари ўрин олган. Жумладан, Элёр Эшмухамедовнинг ёшлар ҳаётидан хикоя қилувчи «Севиланлар», «Алиvido, гўр ёшгим» фильмлари, Хожи Аҳмарнинг иккинчи ҳажон уруши йилларининг суронли воқеалари ўз аксини толаган «Москвалик қадрдонлар» фильми, Равил Ботировнинг ижтимоий-маънавий муаммоларга бағишланган «Сени кутамиз, йигит» киноқиссаси бор.


«АСИЛ - НОН»НИНГ АСИЛ БЕКАСИ

Мирзо Улуғбек туманидаги «Асил нон» жамоа корхонасининг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Қисқа фурсатда ўзининг сифатли маҳсулотлари билан кўпчилик эътиборига тушди. Корхона маҳсулотлари ўз номига яраша асилдир. Дўконларга кириб, бунга ўзининг гувоҳ бўласиз. Эътиборлиси, бутун жамоа - барча-барчаси раҳбардан оддий ишчиларгача ёшлардан иборат. Tadbirkor директор Файрат Қўйбоқаровнинг сай-ҳаракатлари билан корхона эндиликда янада кенгайтирилмоқда. Бу янгидан янги ишчи ўринлари яратилишига имкон беради. Талабгор эса талай. Чунки корхона касаса уюмчаси томонидан ишчиларга яратилган кўплаб қулайликлар довурига корхона ташқирисиди ҳам маълум. Бепул иссиқ овқат, дам олиш уйлари ва туристик савҳатларга имтиёзли йўлланмалар, байрамларда пул мукофотлари, совға-саломлар шулар жумласидандир.

— Ўн беш ёшимдан буён шу соҳада ишлайман, — дейди корхона бош технологи Гулшат Аҳмаджонова. — Соҳада ўз калб-қўрини бағишлаб, мурабийлик қилган устозларимни миннатдорчилик билан эслайман. Барча яхши кунларим учун улардан қарздорман. Улар кўмағида аввал кечки ёшлар мактабининг, сўнг Тошкент озиқ-овқат технологияси техникумининг тугатдим. «Асил нон» корхонасига тажрибали мутахассис сифатида ишга таклиф қилишган.

— Баъзан байрам ва дам олиш кунларида ҳам ишхонада бўларкансиз? — Нон тайёрлаш - нозик иш. Меъридан ошиқ ёки кам солинган сув ҳам нон сифатига таъсир кўрсатади. Байрам кунларини, бошқа кунни, барибир истемолчилар таъбини хира қиладиган маҳсулотлар бўлмасин дейман.

Инобат НОДИРШОҲ қизи.



Раҳбарнинг маънавий қиёфаси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Уша кунни директорнинг таклифи билан биринчи бор ишга келган эдим. Менга дарс ўтиш учун расмий буйруқ чиқарилмаганлигини билардим. Шундай бўлса-да 4-соатда битта гуруҳда математика дарси ўтмоқчи эдим, шунда бошқа гуруҳ ўқувчилари ҳам келишиб бизда ҳам шу дарс дейишди. Мен улар бўш қолишмасин деб қўшиб олдим. Ҳақиқатан ҳам бу ҳақда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарини хабардор қилмаганман».

Суҳбат чоғида директорнинг ўқитувчи К.Тешабоевани кириш имтиҳонлари пайтида мавсумий ишга олганлиги ҳақидаги буйруғини кейинги даврга ҳам бўлаверди, дегани кишини таажжубга солди. Тахлиллар шуни кўрсатадики, О.Мадмусаевани маълум маънода юқоридаги ҳолатга дахлдор деб ҳисоблаш мумкин, бироқ С.Ақбаровнинг мутлақо даҳли йўқми?

— Биз, — дейишди шикоятчилар, — директор иш бошлаган дастлабки ойларида унинг баъзи гайриқонуний ҳаракатларини сезиб, фирромликка йўл қўймагандик. Шу боис кейинчалик раҳбарнинг бизга бўлган муносабати ўзгарди. Демак, у биз ҳақимида бошқарма бошлиғига турли бўхтонларни етказган бўлса керак.

Шамол бўлмаседалар дарахнинг учи қимирламайди, дейишди. Комиссия раҳбарининг кўрсатмаси бошқарма бошлиғи ва директорга қўл келган.

Шикоятчи ўрганиш даврида ўқитувчи, мурабийлар фикрини эшитдик. Улар С.Ақбарова ва О.Мадмусаевалар бир неча йилдан буён сидқиқидан меҳнат қилиб келадиганликлари, уларга бошқарма ва коллеж раҳбарлари томонидан адолатсизлик қилганлигини таъкидладилар.

ларга танбех бергандек бўлди. Шунингдек, у инспекциянинг шу йилги 20-сонли кўрсатмасини инобатга олиб ўзининг 162-сонли буйруғини бекор қилиш, шу билан бирга янги буйруқ асосида директор ва ўринбосарларга ҳайфсан эълон қилиш билан чекланишни айтди. Лекин муҳокаманинг эртаси кунни коллеж директори С.Ақбарова ва О.Мадмусаеваларга «Сизлар ўз вазифаларингизга тикланмайсизлар, ҳатто дарс ҳам ололмайсизлар» деб баланддан келди. Орадан маълум вақт ўтган, шу йилнинг 5 май кунини эрталаб меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бўлим бошлиғи Т.Миррахимов, О.Эшонқуловга кўнғирқоқ қилиб, кўрсатманинг бажарилиш муддатининг бугун охиригача қилиниши эслатди. Бошқарма бошлиғи ҳозир иш жуда тигиз эканлигини, тушликдан дарак бўлмагача, Т.Миррахимов овозгарчилик бўлмасин, деб касабачилик раиси, директор ўринбосарлари иштирокида жамоа аъзоларини ўзининг тавсияси ва бошқарма буйруғи асосида тайёрланган коллеж директорининг лойиҳа буйруғи билан таништириб қайтати.

Воқеадан хабар топган директор бошлиғининг хузурига югурди. Асаби таранглашган О.Эшонқулов бир оёдан сўнг нимаидир топиб олгандек хурсанд қиёфага кираркан директорга юзланиб: «Мана энди қўлингизда қурол бор. Этикаси йўқ бу одам қармоққа илинди. Вақтни бой бермай ишга киришинг» деди. Ж.Урмонов 8 май кунини Т.Миррахимов устидан КУВҚ раисига шикоят ёзди. Унда «Меҳнат ҳуқуқ инспекциясининг қонуний талабларини бажаришга розиман, лекин у директорнинг иштирокисиз қарор лойиҳасини тайёрлаб, муҳр қилиб, шу билан бирга йиғилиш ўтказиб маъмуриятнинг обрўсини тўққанигача унинг Т.Миррахимовга нисбатан чора кўришликни талаб қилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, иззатлалар бу директор ўзининг обрў-эътибори ҳақида шунчалар қайғурар экан-ку, лекин ўзи куй йиллардан буён сидқиқидан меҳнат қилиб, жамоанинг

лиҳа ўрганиб чиқилиб, бошқарма номига яқиний хулоса тайёрланди. КУВҚ га чакиртирилган О.Эшонқулов бу хулоса билан танишган, меҳнат ҳуқуқлари инспекциясининг кўрсатмасини бажаришга ваъда қилди. Аммо ваъда ваъдалигича қолаверди. Айбисиз айбдорлар С.Ақбарова ва О.Мадмусаева коллежда нима иш қилишларини билмай беҳуда вақт ўтказдилар. Сўнгра бу икки ходимга ўз мутахассисликлари бўйича бир ставкадан дарс соатлари ажратилди.

Уша кезлари коллежда аттестация ўтказиш режалаштирилган эди. Аттестация бошланиши билан бошқарма вакили томонидан биринчи навбатда С.Ақбарова ва О.Мадмусаеваларнинг исми шарифлари тилга олинди. Шундан сўнг улар аттестация комиссияси раисига ўзларининг низоли масалалари узил-кесил хал бўлмагунча синовова кўрсатаялмиш. Ун, ёғ, совун каби маҳсулотлар тарқатилаяпти. Ишчиларга кечки сменада бепул овқат берилади. Янги йилда ишчиларнинг фарзандларига совға-саломлар улашилади.

Аттестациянинг кейинги кунлари бу икки ўқитувчининг дарсга қўймаслик ҳақида директор томонидан хуфёна кўрсатма берилди. Сабаб: уларнинг аттестациядан ўтмаганлиги, бошқарма бошлиғи шуни талаб қилаётганлиги эмиш. Шундай тазийқлар бўлсада ўқитувчилар шикоятлари албатта адолатли ҳал бўлишига умид боғлашди...

Нихоят бу тортишуз судга етиб борди. Меҳнат ҳуқуқ инспекциясининг даво аризаси бўйича иш кўрган Қувасой шаҳар суди (суд раиси - Ф.Валиева) инспекция томонидан берилган кўрсатма асосида эканлигини тасдиқлади. Шунингдек, суд коллеж ходимлари С.Ақбарова ва О.Мадмусаеваларни ўз вазифаларига тиклаш, бўш юрган вақтлари учун иш ҳақлари тўлиқ тўлашни ҳусусида ажрим чиқарди.

Гапни мухтасар қилар эканмиш, Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги ўқитувчиларга нисбатан адолатсизлик қилган ва тазийқ ўтказган мутасаддилар фаолиятига муносиб баҳо берадилар деган умиддамиз.

Раҳимжон ХОМИДОВ, «Ишонч» мухбири.

АДОЛАТСИЗЛИККА СУД НУҚТА ҚҲЙДИ

гапига ишонган Т.Миррахимов ушбу масалани ўз муддатидида ҳал қилиш ниятида шу кунни коллежга борди. Таажжубки, директор йўқ экан. Шундай бўлса-да Т.Миррахимов директорга ердан бўйсин дея коллеж ходимлар бўлими бошлиғи С.Соқиевага бошқарманинг 174-буйруғи асосида директорнинг лойиҳа буйруғини тайёрлатди. Ушбу лойиҳа ҳужжатга ходимлар бўлими бошлиғи томонидан муҳр босилди. Ҳадеганда директордан дарак бўлмагача, Т.Миррахимов овозгарчилик бўлмасин, деб касабачилик раиси, директор ўринбосарлари иштирокида жамоа аъзоларини ўзининг тавсияси ва бошқарма буйруғи асосида тайёрланган коллеж директорининг лойиҳа буйруғи билан таништириб қайтати.

ДАРОМАД ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА


Навойи шаҳридаги «Электр таъмирлаш» ошқ турдаги ҳиссадорлик жамаияти йиллик режани ўн бир ойда бажарди. Республиканинг энг йирик электр ва насос станцияларидан келтирилган электр двигателлар ўз муддатига таъмирланди. Навойи кон-металлургия комбинати, «Қизилқумцемент» қўшма корхо-

наси, «Навойазот» ишлаб чиқариш бир-лашмаси, вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва республикадаги бошқа корхоналар мутахассислари двига телларни таъмирлаш сифатига юқори баҳо берди. Шу тўғрисида корхона жорий йилда 10 миллион сўм фойда олишга эришди.

буромад деганларидек, фойданинг асосий қисми ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланмоқда. Жумладан, улар бепул иссиқ овқат билан таъминланаётган, турар-жой ҳақи ихсонанга ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан тўланмоқда.

Ёркул УМАР, ЎЗА мухбири.

Даромадга қараб




ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини ва барча фуқароларни кириб келаётган янги - 2000 йил билан самимий муборакбод этади!

Жондан азиз Ватанимиз - ҳур Ўзбекистонни гуллаб-яшнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз баракали, кайфиятингиз аъло, оилангиз тинч-хотиржам, бахт-саодатли бўлсин!

Барча шароитлар муҳайё этилган замонавий шифо масканларимиз қишин-ёзин Сизга мунтазир!

*Янги йилданги
муборак бўлсин!*





«Кураш – менинг ифтихорим»

Миллий курашимизнинг дунё спорт сахнасинан ўзининг муносиб ўрнини топганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа давр мобайнида жаҳоннинг турли мамлакатларида миллий Кураш федерациялари иш бошлади. Мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган илк жаҳон биринчилиги билан дунё ўзбек курашини кашф этди. Айни кунларда республикамизнинг барча вилоят туманларида, шаҳару қишлоқларида «Кураш – менинг ифтихорим» номи остида бўлиб ўтаётган кураш олимпиадаси тадбирлари эса ўзгича бўлиб ўтган кураш юлдузларининг мантаний давоми бўлса, ажаб эмас.

Республикамизнинг миллий курашимиз анча ривож топган жанубий вилоятларида кураш олимпиадаси муваффақият билан ўтказилмоқда. Сурхондарё вилояти Мўзробод туманида 380 нафар ўқувчи ёшлар кураш мусобақаларида иштирок этмоқда. 12 хил вазн тоифасида ўтаётган баҳсларга туман халқ таълими бўлими спорт услубчиси Орзу Хушвақтов ҳакамлик қилмоқда. Мазкур мусобақалар 3 босқичда ўтказилди. Биринчи ва иккинчи босқич мусобақалари навбат билан мактаблар ва туман миқёсида ўтказилса, учинчи босқич баҳслари Термиз шаҳридаги «Алломиш» ўйингоҳида вилоят миқёсида бўлиб ўтади. Сўнгги босқичда зафар кўчган ёш полковлар эса Республика миллий кураш ўйинларига йўл оладилар.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» муҳбири.

«Чимилдик» сценарийси ёзилиб, муҳокамага кўйилганининг унинг нуқсонларини қайд этиш билан бирга муаллиф Эркин Хушвақтовни қўллаб-қувватлаган эдик. У ўзбек удумининг инсон ҳаётида тугиб келаётган ўрни хақида фикр юритишга ундагани маъқул кўринганди. Чимилдикда бир-бирини илк бор кўрган келинчақ ва қувв тўра ўртасида аста-секин ҳурмат, севги каби хис-туйғуларнинг пайдо бўлиши сабабларини ўрганмоқчи, сценарий ва фильмда таърифламоқчи бўлган муаллифга оқ йўл тилаган эдик.

Ойлар ўтиб, фильмга ҳам сўнгги сайқал берилди. У экран юзидан кўрди. Томоша заллари гавжум бўлган шундай кунларда бир асарнинг саҳна ва экран шакли хақида фикр юритишга эҳтиёж сездик.

Ҳамза номидаги академик театрининг катта зали «Чимилдик»ни томоша қилишни истаганлар билан лик тўланганини кўриб томошабин ва театр мавзусида илмий иш олиб бориш зарурлиги хақида ўйлаган эдик. Айни бир вақтда томошани яратиш ҳамда уни саҳнадан қабул қилиш психологиясини ўрганиш ҳам қизиқарли, ҳам мураккаб, лекин жуда-жуда зарур деб таъкидлаган эдик. Зеро, «Чимилдик» пьесасини саҳна талабларига, драматургиясига тўла-тўқис жавоб берадиган асар, деб бўлмайди. Унда мукамал образлар ҳамда уларнинг моҳиятини очиб бериш қаратилган воқеаларнинг бадий таърифи ётишмай-

ди. Лекин пьесани саҳнага олиб чиқишда драматургик бўшлиқни тўлдириш йўллари изланганини кўрдик. Чунончи, ашула, мусиқа сэдolari, спектаклнинг ажралмас қисми сифатида қабул қилинишини сезиш мумкин.

Шу ўринда спектакл режиссурасининг (режиссёрлар Т.Азизов, М.Абдуллаева) бир хусусиятини эслатиб ўтиш ўринли бўлар: Томошабинни воқеалар гирдобига олиб кириш назарда тутилган, маевсанҳанга режиссуранинг белгилагани, мос ашула танлангани, матн ижод этилгани кўзга ташланади. Бинобарин, актёрларнинг саҳнага зал орқали чиқишлари, тўйга яхши ният билан келган азиз меҳмондек хис этилиши, келин-куёвни яқин кишиларидек қабул қилиши ҳамда уларга бахт тилаб, қайсар қиз ва мўмин йигит ўртасидаги можаро севги тантанаси билан тугаганини истаб саҳнадаги воқеаларни идрок этади. Режиссёрлар пьеса руҳидан келиб чиқиб томошабинни кузатувчида иштирокчига, тўй маросими катнашчисига айлантириши спектаклнинг саҳнадаги умри узоқ бўлишига (мазкур томоша шу кунга қадар 200 марта кўйилганини эсланг!) сабаб бўлмоқда.

Бу асар кўйилганидан кунки

томошабин тўйга отлангандек ясаиб, энг яқин кишини таклиф этиб, қувнок кайфият билан театрға келишни кўрганмишда кўпгина саволларимизга жавоб топдик. Бундай тўй муҳитини яратишда Саидахон Рамотованинг шўх қўшиқлари, тўй бекаларига хос эркинликни намойиш эта олган Раёнона Ярашеванинг ижроси,

ладиган воситаларни, бадий тўқимани, образли ечимни ижод этишга драматургик зарурият туғилган. Бу йўлдаги изланиш халқ кўйларига, қўшиқларини саралаб фильмға кириштига олиб келганини мамнуният билан қайд этсакда, бунинг ўзи кино эмаслигини ҳам тушуниб етамиз.

Сценарийнинг дастлабки шаклида ҳам, сўнгги — иш-

САҲНАДАГИ ВА ЭКРАНДАГИ «ЧИМИЛДИҚ»

комедия жанрини назарда тутиб ҳазил-мутойиба, жисмоний ҳаракатдан кенг фойдаланган Дилбархон Икромованинг, ҳаттоки саҳнадан томоша залига тушмайдиган келинчақ — Мадина Мухторованинг кинояли сўзлари, самимияти, эҳтироси муҳим омил бўлган.

Спектаклнинг бундай хусусиятини, табиийки, кинода сақлаб қолиб бўлмайди. Зеро, экраннинг имкониятлари канчалик катта бўлмасин, саҳна эстетикасидан йироқлиги маълум. Бинобарин, бундай холатни кинофильмда сақлаб қолиш имкони бўлмаслигини назарда тутиб, унга тенг ке-

лаб чиқаришга туширилган шаклида ҳам асосан пьеса ва спектаклнинг образлари, кўринишлари, диалоглари сақланиб қолинди. Табиийки, бу йўл билан саҳна асари фазилатларини экранда намойиш этиб бўлмасди. Зеро, кинода ижод ҳамда унинг маҳсулотини қабул қилиш психологиясини театрникидан тубдан фарқ қилиши янги эстетик шакллари ижод этишни тақозо этган эди. Фильм қаҳрамони турли замонда ва маконда эркин ҳаракат қила олиши ҳисобга олиниб, воқеалар табиат кўйинга олиб чиқилганини, қўшиқ тоғ ва адирлар билан боғлиқ ҳолда

Шундай қилиб, этнографик манбаларга таянган ҳолда яратилган асарнинг бир шакли — спектакл томошабинни тўй воқеалари иштирокчисига айлантира олгани, «ёр-ёр» каби дилга яқин қўшиқларнинг «жонли» залдаги, саҳнадаги ижроси тингловчини ҳам ижроға тортиши асарнинг саҳнадаги тақдирини кўп жиҳатдан белгилаб берди.

«Чимилдик»нинг иккинчи — киношакли эса мусиқаси, қўшиқлари, манзаралари, тўй тафсилотларининг тўла ифодаси билан қизиқшиш ўйотади. Лекин бадий асар унинг бунинг ўзи кино эмаслиги ўзидан маълум. Қувнок комедияларга, мусиқали асарларга ташна томошабин эса муаллифини сыйлаб, эстетик эҳтиёжини оз бўлса-да, қондириш ниятида томошаларга қайта-қайта бормоқда. Бу ҳолни сийлов ёки бадийликнинг юксак чўққиси забт этилди, деб тушуниш хато бўлмайди.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Спорт оламида

АФРИКА ЧЕМПИОНАТИ ЙЎЛИДА

Маълумки, яна бир ойдан сўнг футбол бўйича Африка биринчилиги бошланади. Айни пайтда Нигерия терма жамоаси Испания майдонларида тайёргарлик машғулотларини ўтказмоқда. Мазкур жамоа бўлажак чемпионатда яхшигина муваффақиятларни кўлга киритишга умид қилаётди.

«Супер бургутлар» номини олган терма жамоага Жо Бонфрере мураббийлик қилмоқда. Нигериялик футболчилар голландиялик мутахассис бошчилигида Испаниянинг иккинчи дивизиони азоси «Компостели» жамоаси билан учрашди. Натижа эса 1:4 ҳисобида «Компостели» фойдасига ҳал бўлди.

Африка биринчилигининг финал босқичи Гана ва


Нигерияда ўтказилиши режалаштирилган. Нигерия терма жамоаси ва унинг бош мураббийси олдида ҳеч бўлмаганда кучли тўртлик сафидан жой олиш вазифаси турибди. Бундан паст даража эса ҳеч қандай қўшқирмайди ва терма жамоа аъзолари, хусусан, бош мураббийга катта муаммолар туғдириши мумкин.

Голландиялик мураббий бир ойда ўттиз минг АКШ доллари миқдорига маош олади. Жо Бонфрере Нигерияда уч йил илгари ҳам фаолият кўрсатган. Ушундан у «Супер бургутлар»нинг Атланта-96 олимпиадаси олтин медалларини кўлга киритишига салмоқли ҳисса кўшган эди.

Қароғимда мавжланар уммон,
Кўзларимга жойланар осмон.
Бир қизингман бахтни излаган,
Бир бахт, уни кўрмаган жаҳон.

Бахтим шуки, элим бахтиёр,
Дилда шодлик, тилда авж алёр.
Юлдузларни қучгим келади,
Юксакликка йўл солса диёр.

Ҳилола ҚУРБОНОВА.



ЭСОДАН ЧИҚМАЙДИГАН АЁЛ

Йоханнес РОЙСЛЕР

Ҳажвия

Иккита ёш йигит машхур психиатр қабулхонасида ўтиришарди. Биринчиси кўринишидан шоирга ўхшар, иккинчисининг эса афтангоридан қимлигини аниқлаб бўлмасди. Узининг айтишича, талаба экан. Психиатр келиб бу икки жаноб билан қўл бериб кўришди, сўнгра чўнтагидан тахлоглик оқ дастурмолча чиқариб силкита бошладди.

— Жаноблар, сизларга бермоқчи бўлган биринчи саволим шу, — деди у, — кўриб турибсизлар, қўлимдаги нарса оддий дастурмолча, мен уни силкитяпман. Сизлар бунга кўрганда қандай хаёлга бордингизлар?

— Менинг кўз ўнгимда перрон пайдо бўлди, — деди шоирнамо йигит, — поезд жўнаб кетяпти. Кимдир купедан қўлини чиқариб, рўмолча силкитиб кетяпти.

— Жуда ажойиб жавоб, — деди психиатр, сўнгра иккинчи йигитга юзланди: — Хўш, сиз-чи, сиз нималар тўғрисида ўйладингиз?

— Мюнхендаги бир аёл тўғрисида ўйладим. Унинг юзлари, қўллари, кўйлаги, юришлари, эшикни очиб ичкарига кириб келишлари кўз ўнгимда жонланди.

— Сиз-чи, сизларга нимани эслатяпти?

— Испанияни эслатяпти, доктор, қайроқ ўйинларини, бар ортида коктейл стаканларини шикирлатаётган коктейл тайёрловчини эслатяпти.

— Аёло даражадаги жавоб, — деди врач, — сиз-чи, жаноб, қўлимдаги гугурт қутисини кўрганда нималар тўғрисида ўйладингиз?

— Талаба дудуклана-дудуклана деди: — Мюнхендаги бир аёл тўғрисида ўйладим. Унинг юзлари, қўллари, кўйлаги, юришлари, эшикни очиб ичкарига кириб келиши хақида ўйладим.

— Психиатр «юрқадан урган экан-ку тоза» деган маънода унга ажабланиб қаради, сўнгра кийим илгичдан шляпани олиб бошига кийди. Бироздан кейин уни шарт билан бошидан олиб, очиқ эшикдан ташқарига улоқтирди.

— Хўш, жаноблар, бу ишимдан кейин қанақа ўй-фикрларга бордингизлар?

Талаба хўрсиниб деди: — Мюнхендаги ўша аёл тўғрисида, унинг юзлари, қўллари, кўйлаги, юришлари, эшикдан кириб келишлари хақида ўйладим.

— Унинг бу гаплари врачга ўта аҳмоқона бўлиб туюлди. — Нима, сиз бошқа ҳеч нарса тўғрисида ўйлай олмайсизми? — сўради у асабийлашиб, — дастурмолни кўрсатсам ҳам, гугурт қутисини шикирлатсам ҳам, шляпамни ташқарига улоқтириб юборсам ҳам фақат ўша аёл хақида ўйлайверасизми?

— Сиз менга хоҳлаган нарсангизни кўрсатингиз мумкин, — деди талаба, — мен эса ўша Мюнхендаги аёл тўғрисида ўйламай туролмайман.

— Нима, у сизнинг дўстингизми? Ёки унаштириб қўйилганмисизлар?

— Йўғ-эй, нималар деяписиз, бутунлай тескариси. Сиз кўрсатган барча нарсалар менга аёлни эслатяпти, чунки у мен ижарага турадиган уй соҳибаси. У хонани супуриб сидирани, печни ёқди. Кийимларимни овиб, овқатимни пишириб беради. Энг асосийси эса, ижара ва овқат пулини ўз вақтида тўламасанг, лаш-лўшингни кўчага улоқтираман, деб ҳар кунда дўк уради. Шундай бўлгандан кейин, ўзингиз айтинг, уни ўйламай бўладими?

— Нимас тилидан йўлдош ПАРДА таржимаси.

Билиб қўйган яхши

АЛКОГОЛ ЗАРАРИ

Алкоголнинг кам миқдорини кофеин билан бирга қабул қилинганда аёлларнинг, репродуктив қобилиятига сезиларли таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун ҳам, хомилалар бўлиш ниятидаги аёлларга спирт ва кофе истеъмол қилмасликни маслаҳат берадик.

Америка олимларининг янги текширувлари шуни кўрсатдики, 2 қадаҳ спирт аёлни насл қолдириш қобилиятига 1 ҳафта мобайнида таъсир қилар экан.

Жонс Гопкинс дорил-фунунининг ҳамият саломатлиги ва гигиена мактаби мутахассислари гуруҳи узоқ муддат мобайнида ёши 23 дан 41 гача бўлган 124 та аёлни кузатди. Уларнинг 21 фоизи чекувчилар эди. Спиртли ичимликлар қабул қилган ва кўнига 1 стакан кофе ичган аёллар ичида хомилаларлик 100 ҳаёз циклидан ўртача 10,5 хомилаларликни ташкил қилди.

Алкоголдан сақланган 1 стакан кам кофе ичган аёллар орасидаги кўрсаткич ўзгача бўлиб чиқди: 100 ҳаёз циклида 27 хомилаларлик кузатилди. Текширувлар натижасида алко-голға мойил аёлларда насл қолдириш қобилиятини 50 фоизга қисқарганини кўрдилар, ҳар бир қадаҳ билан бирга бу кўрсаткич ҳам орта борган, кофеин ҳам, мутахассислар фикрича аёлларнинг фертиллик қобилиятига камроқ таъсир қилар экан.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз азизларни 2000 йил 26 январь, 9,23 феврал, 15,29 март, 12,26 апрел, 10,31 май, 14,28 июн кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар марказида ўтказиладиган

АУКЦИОН

савдоларига таклиф этади. Савдоларга Қорақалпоғистон Республикаси, мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган бошлангич баҳоси 50 минг сўм ва ундан юқори бўлган турли кўчмас мулклар, автомобилларга ёнилги қўйиш шохбачалари, автотранспорт воситалари ва бошқа мулклар қўйилади.

Мазкур мулкларга қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Аукционда қатнашиш учун жисмоний ва ҳуқуқий шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

- а) жисмоний шахслар:
 - ариза;
 - объект бошлангич баҳосининг 10% миқдоридан тўланадиган гаров пулини тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- б) ҳуқуқий шахслар:
 - ариза;
 - объект бошлангич баҳосининг 10% миқдоридан тўланадиган гаров пулини тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
 - ишоннома;
 - рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи нотариал тасдиқланган ҳужжат нусхаси.

Хорижлик ҳуқуқий ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг руҳсатномасини олишлари лозим.

Манзилими: Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Биржалар маркази биноси, 3-қават, 10-хона. Ҳисоб рақамими: 20210000900571452001, МФО 00832. ЎзР. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Тошкент вилояти бўлими.

Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, Ички: 153. Факс: 136-06-17

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЙУМОВ
Таҳрир хайюти:
Ж.Алимуҳаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютеризация теридили на саҳифаланиди. Офсет усулида ёзилади. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотушда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00